

Анкабут сураси, 45-оят

11:23 / 13.10.2018 8897

Сенга Китобдан ваҳий қилинган нарсани тиловат қил ва намозни тўқис адо эт, албатта, намоз фаҳш ва мункардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри улуғдир. Аллоҳ нима қилаётганингизни билур.
Анкабут, 45.

«Эй Пайғамбар,

«Сенга Китобдан ваҳий қилинган нарсани тиловат қил...»

Қуръонни тиловат қилиб, кишиларга етказиш Ислому даъватининг асосий омилидир. Ушбу илоҳий Китоб маъноларини кишиларга етказиш, унинг таълимотларига амал қилишга чақириш даъватчининг асосий иши бўлмоғи лозим.

«...ва намозни тўқис адо эт...»

Биз «намозни тўқис адо эт» деб таржима қилган жумлани тўғридан-тўғри, сўзма-сўз ўзбекчага ўгирадиган бўлсак, «Намозни тик турғиз» бўлиб чиқади. Демак, намозни ўқиш билан намозни тик турғизиш, яъни тўқис адо этиш орасида фарқ бор. Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга «Намоз ўқи», деб эмас, «Намозни тўқис адо эт», деб хитоб қилмоқда. Ҳа, тўқис адо қилинганда,

«...албатта, намоз фаҳш ва мункардан қайтарур».

Мана шу нуқтадан кимнинг намози ҳақиқий, кимники сохта эканини билиб оламиз. Намозни ҳамма ҳам ўқийверади, лекин намозхон фаҳш ва мункар ишлардан қайтмаса, унинг ўқиган намози ҳақиқий бўлмайди. Қачонки намозхон намозни тўқис адо қилса, фаҳш ва мункар ишлардан қайтади.

Имом ибн Жарир Тобарий Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир намоз ўқиса-ю, намози уни фаҳш ва мункар ишлардан қайтармаса, у кишининг ўз намози ила Аллоҳдан узоқ бўлиши зиёда бўлади, холос», – деганлар.

Чунки намоз Аллоҳнинг зикридир.

«Албатта, Аллоҳнинг зикри улуғдир».

Дунёда Аллоҳни зикр этишдан буюкроқ амал йўқдир. Ушбу буюк ишни тарк этган одам ҳар қандай жазога лойиқдир. Бундай буюк ишни тўқис адо этмаган одам Аллоҳдан узоқлашмай, ким узоқлашсин?!

«Аллоҳ нима қилаётганингизни билур».

Жумладан, намозни тўла-тўқис адо этсангиз ҳам билур, чала-ноқис ўқисангиз ҳам билур. Ундан ҳеч бир иш махфий бўлиб қолмас.

Ушбу ишда ҳам иймон синови, ҳақиқий мўминни мунофиқдан ажратиш омили яққол кўриниб турибди. Ҳақиқий мўмин синовларга бардош бериб, намозини тўқис адо қилади. Мунофиқ эса намозда номига ўтириб-туради, холос.

Иймон аҳли китоблар билан бўлган алоқада ҳам синалади. Бу масалада алоҳида ёндашув, эҳтиёткорлик керак бўлади. Чунки аҳли китобларда мусулмонларга ўхшаш белгилар учрайди. Улар ҳам Аллоҳга, Пайғамбарга, илоҳий Китобга, қиёмат кунига ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларга иймон келтиришларини даъво қиладилар. Улар ҳам Аллоҳга ибодат қилишларини айтадилар. Албатта, улар билан бўладиган алоқа ўзига хос тайёргарликни тақозо этади.